O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 30 апрель, № 85 (4495) Чоршанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Юқори тоифали теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, энг юксак даражадаги халқаро мусобақаларда Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўла оладиган мамлакат терма жамоалари захирасини шакллантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Теннис федерациясининг Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Республика теннис мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

юқори тоифали теннисчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш учун зарур замонавий моддий-техника базасини ва малакали мураббийлар таркибини яратиш;

зарур ҳолларда хориждан мураббий-мутахассисларни таклиф этиб, ўқув-машғулот жараёнларини теннис соҳасидаги энг янги ўқув-методик тавсияномалар асосида ташкил этиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, теннисчиларнинг касбий сифатларини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон терма жамоалари тайёргарлиги даражасини замонавий теннисни ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ошириш;

теннисчилар ва мураббийлар таркибининг касб маҳоратини ошириш бўйича тажриба алмашиш борасида хорижий теннис мактаблари, академиялари ва клублари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошкент теннис маркази» ОАЖ спорт мажмуасини белгиланган тартибда Республика теннис мактаби балансига бепул ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Теннис федерацияси ва «Даврхитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда бутун мажмуани 2008-2009 ўқув йили бошида ишга туширишни назарда тутган ҳолда Республика теннис мактаби ўқувчиларининг яшаши ва овқатланишига, ўқув-машғулот жараёнлари учун мўлжалланган бинолар ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашга оид зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрласин;

2008 йилнинг 1 августигача Республика теннис мактабининг бинолари ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ якунланишини таъминласин.

5. Белгилансинки:

Республика теннис мактабига фақат танлов асосида, теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, теннис билан шуғулланиш учун зарур спорт ало-

(Давоми 2-бетда).

# ЮКСАК БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ КЎРИГИ

### Тошкентда мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бошланди




2008 йил — Ёшлар йили

Президентимиз Ислом Каримовнинг фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган сўзларида мамлакатимиз ёшларини тарбиялашга йўналтирилган давлат сиёсатининг бутун мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда ҳар жиҳатдан баркамол ёш авлодни, пухта билим ва етук малакага, ўз мустақил фикрига эга кадрларни тайёрлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Навқирон авлодни ўз иқтидор ва истеъдодини намойиш этиши, муттасил юксалтириб бориши учун зарур шарт-шароитларни яратиш бу борадаги ишларнинг ажралмас қисмидир. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ишлаб чиқилган таълим ва тарбияга оид "ўзбек модели"нинг самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилди. Мактаб ўқувчиларининг кимё фани бўйича халқаро Менделеев олимпиадасининг Тошкентда ўтказилиши бунинг яна бир далилидир.

Москва давлат университети ректори, академик В. Садовничийнинг 42-халқаро Менделеев олимпиадасини Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги таклифи давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди.

Олимпиада М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида очилди. Унда Озарбойжон, Арманистон, Белорусь, Болгария, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Россия, Руминия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина ва Эстония жамоалари, Олимпиада ташкилий қўмитаси, Халқаро ҳайъат аъзолари, экспертлар, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли узлуксиз таълим тизими мунтазам янгиланаётгани ва такомиллашаётгани, таълим муассасаларининг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педаго-

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЛОЙИҲА-ТАДҚИҚОТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар, соғлиқни сақлаш объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оширишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида лойиҳа-тадқиқот ишлари ҳажми сезиларли равишда ошганини қайд этиш зарур.

Шу билан бирга, лойиҳалаш ишларини ташкил этиш борасидаги жиддий камчиликлар амалга оширилаётган инвестиция жараёнларига тўсқинлик қилмоқда ва уларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда. Аксарият хусусийлаштирилган лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолияти лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш бўйича замон талабларига жавоб бермайди. Лойиҳалаш ишлари сифати ҳам сезиларли равишда пасайгани кузатилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари кўпинча ваколатли экспертиза органлари томонидан қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилмоқда.

Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари амалиётига лойиҳалаштиришнинг замонавий услублари, жумладан, лойиҳалаш ишларини автоматлаштириш ва амалий дастурий маҳсулотлар суст жорий этилмоқда.

Ёш ва истиқболли лойиҳачи кадрларни кўпайтиришга етарли эътибор қаратилмаётгани, республикамизнинг ушбу йўналишдаги олий ўқув юртларида уларни тайёрлаш сифатининг талаб даражасида эмаслиги натижасида аксарият лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг малакаси пастлигича қолмоқда.

Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг истиқболли ва иқтисодий жиҳатдан самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш, моддий-техника базаси ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, шу асосда ишлаб чиқиладиган лойиҳалар сифатини жиддий ошириш мақсадида:

1. Низом жамғармасида давлат улуши камида 51 фоизни ташкил этадиган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар қайд этилган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, лойиҳалаштиришнинг замонавий ва илмий жиҳатдан асосланган технологик тартибини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

(Давоми 2-бетда).

## ҲАМКОРЛИК СОҲАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

***Ўзбекистон заминида катта миқдорда қарийб барча турдаги фойдали қазилмалар захираси мавжуд. Улардан янада кенг фойдаланиш келгусида иқтисодий ўсишнинг муҳим омили ҳисобланади. Бироқ, бу қўшимча инвестиция ва илғор технологияларни жалб қилишни талаб этади. Тошкентда "Ўзбекистон қаттиқ фойдали қазилмаларининг инвестициявий салоҳияти" мавзуида бўлиб ўтган халқаро анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ва "Минерал ресурслар институти" давлат корхонаси томонидан ташкил этилди.

Унда республикамизнинг фойдали қазималарни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган 60 дан ортиқ йирик корхоналари раҳбарлари, Россия, Хитой, Корея Республикаси, Франция, Япония, Австрия, Австралия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, АҚШ каби дунёнинг 16 мамлакатидан шу соҳада фаолият юритаётган хорижий компаниялар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н.Мавлонов мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида экспортга йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш, шу жумладан ер ости бойликлари захирасини ўзлаштириш учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади. Президент Ислом Каримовнинг 2007 йил 20 июлда қабул қилинган "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлди. Тегишли ҳуқуқий база яратилди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини кафолатловчи қонунлар, шунингдек, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш асосида саховатли заминимиздаги мавжуд фойдали қазилмалардан саноатда фойдаланишни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида намунали жаҳон объектлари сирасига кирадиган олтин, уран, мис ва фосфорит конларидан ташқари, 3 мингдан ортиқ кон ва фойдали қазилмалар турлари, жумладан, асл, рангли, нодир ва қора металлар, ёқилғи-энергетика, тоғ-кимё, кон-руда хом ашёси, шунингдек, қурилиш материаллари маъданлари аниқланди ҳамда уларнинг деярли ярми ўзлаштиришга тайёрланди. Республикамизда фаолият кўрсатаётган қазиб олиш корхоналари томонидан ушбу конларнинг атиги бешдан бир қисми ўзлаштирилган, холос. Мамлакатимизда янги ҳудудларни ўрганиш натижасида бундай конлар сони янада кўпайиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, янги илмий ёндашувлар, илғор технологияларни талаб қилади.

Ўзлаштириш учун тайёрланган минерал хом ашё захираси тоғ-кон саноатини узоқ истиқболда иш билан таъминлашдан ташқари, уларнинг қувватини ошириш, қўрғошин, рух, литий, калий тузи, плавик шпати, агрокимёвий

(Давоми 2-бетда).

***Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши жорий йилнинг биринчи чорагида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларнинг ижросига бағишланди.***

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б. Янгибоев бошқарган йиғилишда вазирлик, идора ва муассасалар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари иштирок этди. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 8 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистонда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, унинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва янгилаш борасидаги ишлар яхши самара бермоқда. Чорак давомида ўзлаштирилган инвестицияларнинг 92 фоизи ишлаб чиқаришга жалб этилди. Маҳаллий саноат корхоналарида модернизациялаш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Ўтган йили ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи учта корхонада замонавий технологиялар ўрнатилгани боис маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 фоизга ўсди. "Этекс" акциядорлик жамиятида ҳисобот даврида 208 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришда ушбу субъектлар улуши 38,4 фоизга етди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ва солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, бозор инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми 9 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,7 фоиз ўсди.

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли комплекс дастурини амалга ошириш натижасида етти мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шу жумладан, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида икки минг уч юздан зиёд, касаначилик асосида эса бир минг 444 иш жойи очилди. Қуролли Кучлар сафида хизматни ўтаб қайтган 544 нафар йигит иш билан таъминланди.

"Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида ёш оилаларни турар-жой билан таъминлаш учун кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Хусусан, Тахиатош шаҳрида ёш оилалар учун 32 хонадонга мўлжалланган турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Қишлоқ жойларида ёш оилаларга қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар берилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, бозорларда нарх-навонинг асоссиз ўсиб кетишига йўл қўймаслик, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, чорвачилик ва деҳқончилик соҳасини жадал ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Мавжуд камчилик ва нуқсонлар чуқур таҳлил этилди, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М. Ерниязов иштирок этди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Шунингдек, 2008 йилнинг биринчи чораги якунларига бағишланган фаоллар йиғилишлари Андижон, Тошкент, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.*

# БЕҚИЁС ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ

***Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда Юртбошимиз айтган бир гап ҳанузгача қулоғимда жаранглаб туради: "Бирон-бир жамият ўзининг маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва аҳлоқий қадриятларни ривожлантирмай, мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди".***

Шунинг учун ҳам санъат соҳасида озми-кўпми тажриба орттирган бир инсон сифатида айтишим мумкинки, Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг абадий бирлиги, тили, дили, маънавияти узвий ва уйғун эканига яна бир ёрқин далил бўлди.

Очиғини айтсам, мен ва менинг кўплаб таниқли ҳамкасбларим давлатимиз раҳбари қўлидан юксак унвон, орден ва медалларни қабул қилиб олганимиздаги ҳаяжонни сўз билан таърифлаш мушкул. Лекин ушбу қарор биз санъаткорлар учун барча унвонлардан-да аъло мукофот бўлди. Чунки бу Бердақнинг қўлига дутор тутқазган, Ажиниёзга қўшиқлар куйлатган, Жиян жиров, Қурбонбой жировга "Алпомиш"у "Қирққиз"ни жўшиб айттирган бетакрор санъатга кўрсатилган ғамхўрлик, беқиёс эҳтиромнинг юксак намунасидир.

Қорақалпоқ санъатининг Ойимхон Шамуратова, Жапақ бахши каби катта авлод вакиллари, менинг қадрдон дўстим бўлган бетакрор ҳофиз, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Отажон Худойшукуров ҳам Нукус шаҳрида санъат институти ташкил этилишини орзу қилган эдилар. Лекин бундай бахтни кўриш бугун менга, Нажматдин Муҳамеддинов ва Тамара Дошумовага, Гулбарчин Сиримбетова ва Мирзагул Сапаева сингари ўнлаб сафдошларим, юзлаб ёшларга насиб этди.

Мен истиқлол қорақалпоқ санъатининг ривожига кенг йўл очиб берганини қайта-қайта таъкидлашдан чарчамайман. Шу давр ичида қорақалпоқларнинг биринчи операси, биринчи балети саҳна юзини кўрди, биринчи бадиий фильми яратилди. "Айқулаш" ансамблининг довруғи сарҳадлардан ошди. Истеъдодли санъаткор Пўлат Мадреймов раҳбарлигидаги йигит-қизларнинг ажойиб чиқишлари катта-катта байрам тадбирларида юксак баҳоланмоқда, томошабинларни ҳайратда қолдирмоқда.

▼ Муносабат

Опера юлдузлари, қорақалпоқ замини фарзандлари – Муяссар Раззоқова ва Кенгесбай Сержановга, ёш қўшиқчиларимиз, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари Махсет Утемуратов ва Сарвиноз Аннақуловага Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликни биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Қорақалпоқларда ўтганларга эҳтиром билдирганнинг йўлини Аллоҳ ўзи очиб қўяди, деган гап бор. Тамарахоним, Ҳалимахоним, Лутфихон ая билан бир қаторда атоқли санъаткоримиз Ойимхон Шамуратованинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланиши юртимизда марҳум санъаткорлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром нақадар юксак даражада эканини кўрсатиб турибди. Нукус шаҳрида Санъат институтининг филиали ташкил этилиши эса янги ойимхонларга, отажонларга, кенгесбайларга маҳорат мактаби эшикларини кенг очади. Профессионал санъат – мусиқа, театр, кино тараққий этади.

Ушбу ҳужжат, қарорда таъкидлаганидек, қорақалпоқ халқининг бетакрор санъати ва маданиятини янада равнақ топтириш, истеъдодли ёшларни миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналари руҳида тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилият ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, замонавий театр ва кино, телевидение ва радио йўналишлари бўйича юқори малакали актёрлар ва санъатшунослик соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Кечагидай эсимда, ўтган йили давлатимиз раҳбари Президентликка номзод сифатида сайловчилар билан учрашувга келганида Қорақалпоқ давлат университети талабаси Лола Махаметдинова Бердақ сўзи билан куйланадиган қўшиқдан хиргойи қилиб берган эди. Ўзига хос ижродан таъсирланган Ислом Каримов қорақалпоқ санъатини янада ривожлантириш ҳақида муҳим фикрлар билдирган эди. Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали ташкил этилиши ана шу вақтда билдирилган фикрларнинг амалдаги тасдиғи, десам, муболаға бўлмайди.

Шу сабабли ҳам мен бу тарихий қарор учун Юртбошимизга кўп сонли қорақалпоқ санъати аҳли, ёш ижрочилар ва мухлислар номидан миннатдорлик билдираман.

**Байрам МАТЧАНОВ,**
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти,**
**Бердақ номидаги давлат мукофоти совриндори.**

Тадбир

## ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшманинг 2008 йил биринчи чорагида амалга оширган ишлари таҳлили ва галдаги устувор вазифаларга доир масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли иқтисодиётимизнинг бошқа тармоқлари қатори қишлоқ хўжалигида, айниқса, кейинги йилларда яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Бу Юртбошимиз ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва уларга яратиб берилаётган шарт-шароитнинг маҳсулидир.

Ўтган йили мамлакатимиз ялпи пахта ҳосилининг 99, ғалланинг 82 фоизи фермер хўжаликларида етиштирилди. Жорий йилда эса иккала тармоқда бу кўрсаткичларни 100 фоизга етказиш мўлжалланмоқда. Чунки мамлакатимизда ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш ишлари якунланган бўлиб, шу йил 1 апрель ҳолатига кўра, уларнинг сони 215 мингтага, ажратилган ер майдони эса 5824,8 минг гектарга етди. Эътиборли жиҳати, айни пайтда фермер хўжаликларида 1,6 миллион киши меҳнат қилаяпти.

Айтиш жоизки, эътибор ва рағбатдан руҳланган фермерлар нафақат деҳқончиликни, балки мева-сабзавотчилик ва узумчиликни, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришга ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Натижада кейинги йилларда бу тармоқларда ҳам муваффақиятларга эришилаяпти.

Йиғилишда шу йил биринчи чораги давомида уюшма ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан, энг аввало, фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишларини янада такомиллаштириш, экин майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш бўйича талай ишлар олиб борилгани қайд этилди. Шу билан бирга, уюшма фаолиятида баъзи камчиликлар ҳам учраётганлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Уюшманинг Қашқадарё ҳудудий филиали раҳбари лавозимида ишлаб келаётган Акром Орипов Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси Марказий кенгаши раиси этиб сайланди.

Якунда уюшма фаолиятини келгусида янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, навбатдаги конференцияни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Республикамиз тижорат банклари юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни янада жадаллаштириш борасида мақсадли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бунга юртимизда яратилаётган шароит ва қонунчилик базасининг янада такомиллаштирилиши замин яратмоқда. Бу, ўз навбатида, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаб, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш орқали фуқароларимизнинг турмуш даражасини яхшилаш ва уларнинг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга асос бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш ва мижозларнинг банкларга бўлган ишончини янада ошириш борасида муҳим босқич бўлди.***



## ЧЕКЛАНМАГАН МАБЛАҒ ҚЎЙИБ, ЧЕКЛАНМАГАН ДАРОМАД ОЛИНГ

Мазкур Фармон талаблари ижросини таъминлаш борасида мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келаётган Халқ банкининг Бухоро вилоят филиалларида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Халқ банки мижозларга хизмат кўрсатиш савиясини янада оширишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Хусусан, Президентимизнинг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш ва шу орқали аҳолига яратилаётган имтиёзларни барча тоифадаги мижозларга етказиш мақсадида банк филиалларида маслаҳатчи-менежер лавозимининг киритилиши ва бу лавозим банк тизимида етарли иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар билан бутланганлиги ва улар томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бермоқда. Шу ўринда банкнинг маслаҳатчи-менежерлари ўз иш фаолиятини қандай ташкил этмоқда, деган савол туғилиши табиий.

— Иш фаолиятимизда юқорида номи зикр этилган Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда омонатчиларга берилган қулайлик ва имкониятларга таянган ҳолда, банк бўлимига келган ҳар бир мижозни илиқ кутиб олиб, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берамиз, — дейди вилоят филиали амалиёт бўлими маслаҳатчи-менежери Ўғилой Раҳмонова. – Шунингдек, биз жойларга чиққан ҳолда корхона ва ташкилотларда, ўз навбатида, маҳаллаларда Фармоннинг мақсад-моҳиятини, банк хизмат турлари, имкониятлар, мижозлар учун яратилган қулайликлар ва уларни қизиқтираётган барча масалаларга батафсил тушунча бериб келмоқдамиз. Натижада банкимизда мижозлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.



### Банк ва мижоз

Шунингдек, банкнинг ҳар бир филиал ва мини банкларида ташкил этилган «Омонатчилар бурчаги» банк мижозларини банк хизмат турларига бўлган муносабатига ижобий таъсир кўрсатиб, тўлиқ маълумотлар олишлари учун уларга имконият яратмоқда.

Ҳозирда вилоят Халқ банки филиалларининг барча муассасаларида Президентимизнинг юқорида қайд этилган Фармонининг мазмун ва моҳияти, «Банк сири» тўғрисидаги Қонун, янги депозит ва мижозларга таклиф этилаётган хизмат турлари афзалликлари, шунингдек, Халқ банки муассасаларида сақланаётган омонатларнинг дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланганлиги ва бошқа масалалар бўйича тўлиқ маълумот олиш учун барча шароитлар яратилган.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида мижозлар учун манфаатли бўлган 8 та янги омонат турини, айниқса, Фармон қабул қилингандан кейин юқори даромад тўлаш шарти билан уч, олти, тўққиз ва 12 ой муддат сақлаш шарти билан миллий ва хорижий валютадаги «Тақдим этувчи», олти ой муддат сақлаш шарти билан «Барқарор» омонат турларини жорий этилишига мижозларнинг қизиқиши кундан-кунга ортиб бормоқда. Таклиф этилган депозит турларининг афзалликлари тўғрисида тарғибот ишлари тўлақонли олиб борилиши натижасида Бухоро вилоят филиалларида қисқа муддатда 1,7 млрд. сўмга яқин аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишга эришилди.

– Ортиқча маблағларимни банк депозитларига қўйиб келаман, — дейди Бухоро шаҳрида яшовчи Махфират Қобилова. — Бугун банкдаги янгиликлар билан танишаётиб, омонатчиларга навбатдаги қулайликлар яратилганидан хабар топдим. Бу хусусда банк ходимидан тўлиқ маълумотларни олдим.

— Дарҳақиқат, банкда яратилган имконият, депозитлар бўйича бизни қаноатлантирадиган шартларда фоиз ставкалари, энг асосийси, маблағларнинг келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолда ортиқча пул маблағларимизни чекланмаган миқдорда қўйиш мумкинлиги бизни мамнун қилди, — дейди банкнинг Бухоро шаҳрилик яна бир омонатчиси Барот Амруллаев. — Бундай қулайликлар банкка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаяпти.

Халқ банки омонатчилари ўзларининг бундай муносабатларини бежиз айтишмаяпти. Фармонга мувофиқ, 2008 йилнинг 1 апрелидан келгуси йил 1 апрелига қадар фуқаролар банкда ўз депозит ҳисобварағини очиши, унга миллий ва хорижий валютадаги маблағларни чекланмаган миқдорда қўйиши мумкин. Бунда омонатчидан ўз маблағларининг манбаси суриштирилмайди. Бугина эмас, омонатга қўйилган маблағлардан олинган даромадлар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга тортилмайди.

Банк филиалларида олиб борилаётган бундай тадбирлар натижасида ўтган қисқа даврда аҳолининг банк депозитларига қўйган маблағлари миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 55 фоиз ортганлигини, шу жумладан, муддатли ва жамғарилувчи депозитларга қабул қилинган маблағлар миқдори 60 фоиздан ортиқ миқдорга ошганлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Халқ банки вилоят филиали тасарруфида 33 та туман (шаҳар) филиал ва мини банк, 155 та шохобча ва махсус кассалари мижозларга намунали хизмат кўрсатиб банк тизимини ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор қарорлар ижроси тўлақонли бажарилишида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, банк филиалларида жалб қилинган маблағлар эвазига жорий йилда тадбиркорлик субъектлари ва кичик бизнес субъектларига 4,0 млрд. сўмлик имтиёзли кредитларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросига алоҳида эътибор қаратилиб, фақатгина жорий йилда ёш оилаларга 1,2 млрд. сўмлик истеъмол, ипотека ва микрокредитлар ажратилишини таъминлади.

Ҳозирда банк мижози бўлмаган фуқаролар камдан-кам учраса керак. Зеро, турмушимиз фаровонлашгани сайин фуқароларимизнинг ортиқча пул маблағлари шаклланa боради. Ўз навбатида, омонатни сақлаш, маблағларни мижознинг биринчи талаби билан берилишини таъминлаш аҳолининг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Ушбу йўналишда Халқ банкининг Бухоро вилояти филиалларида барча шароитлар яратилганлиги, албатта, ўз самарасини беради.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЖАМКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- *хўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа муддатларда кўриб чиқилиши);*
- *муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг камчиқимлари);*
- *судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);*
- *мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида кўриб чиқиш имконияти);*
- *Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳакамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);*
- *Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан кафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).*

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй.
Телефон: (+998-71) 139-43-29. Факс: (+998-71) 132-09-03.
web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz






